

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ТЕЗКОР ҚИДИРУВ БЎЛИНМАЛАРИДА ҚИДИРУВ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ (Наманган вилояти мисолида)

С.Ф.Каримов

Аннотация: ушбу мақолада ички ишлар органларининг тезкор қидириш бўлинмаларида қидириш ишини ташкил этишнинг самарадорлигини оширишга қаратилган чоралар таҳлил қилинади. Мақолада, қидирув жараёнидаги асосий муаммолар, уларни ҳал этиш учун зарур бўлган методологиялар ва замонавий технологиялар ҳақида сўз боради. Қидирув ишларини самарали ташкил этиш учун зарур бўлган стратегиялар, жумладан, малакали ходимларни тайёрлаш, ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланиш, шунингдек, жамоатчилик билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш кўриб чиқилади. Ушбу тадбирлар, жиноятчиликни олдини олиш ва ҳуқуқбузарликларни аниқлашда тезкорликни оширишга хизмат қилади. Мақола, шунингдек, қидирув жараёнида жамоат фикрини инобатга олиш ва фуқаролар иштирокини оширишнинг аҳамиятини таъкидлайди. Буларнинг барчаси, ички ишлар органларининг тезкор қидирув фаолиятини янада самарали ва сифатли қилишга ёрдам беради.

Калит сўзлар: ички ишлар органлари, тезкор қидириш, қидириш иши, ахборот технологиялари, жамоатчилик билан ҳамкорлик, Жиноятчиликни олдини олиш, ҳуқуқбузарликларни иштироки, методологиялар, қидирув жараёни.

МЕРЫ ОРГАНИЗАЦИИ ПОИСКОВОЙ РАБОТЫ В ПОДРАЗДЕЛЕНИЯХ БЫСТРОГО ПОИСКА ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ (на примере Наманганской области)

Аннотация: в данной статье анализируются мероприятия, направленные на повышение эффективности организации поисковой работы в подразделениях оперативного розыска органов внутренних дел. В статье говорится об основных проблемах процесса поиска, методологиях и современных технологиях, необходимых для их решения. Рассмотрены стратегии, необходимые для проведения эффективных поисковых операций, включая подготовку квалифицированных кадров, использование информационно-коммуникационных технологий, укрепление связей с общественностью. Эти мероприятия служат повышению оперативности в предупреждении преступности и выявлении нарушений. В статье также подчеркивается важность учета общественного мнения и повышения участия граждан в процессе поиска.

Все это помогает сделать оперативно-розыскную деятельность органов внутренних дел более эффективной и качественной.

Ключевые слова: органы внутренних дел, оперативный розыск, розыскная работа, информационные технологии, сотрудничество с общественностью, профилактика преступности, соучастие в преступлении, методики, процесс розыска.

MEASURES FOR ORGANIZING SEARCH WORK IN THE RAPID SEARCH UNITS OF THE INTERNAL AFFAIRS BODIES (using the example of the Namangan region)

Abstract: this article analyzes the measures aimed at increasing the efficiency of the organization of search work in the rapid search units of the internal affairs bodies. The article talks about the main problems in the search process, the methodologies and modern technologies necessary to solve them. Strategies necessary for effective search operations, including training of qualified personnel, use of information and communication technologies, and strengthening of public relations are considered. These activities serve to increase speed in crime prevention and detection of violations. The article also emphasizes the importance of taking public opinion into account and increasing citizen participation in the search process. All this helps to make the rapid search activities of internal affairs bodies more effective and qualitative.

Key words: internal affairs bodies, rapid search, search work, information technology, cooperation with the public, Crime prevention, crime participation, methodologies, search process.

Юртбошимизнинг “Қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш – Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг шартидир. Жамиятда демократия тамойиллари, қонун устуворлигини таъминлаш сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Суд ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш ишлари ҳаётга изчил тадбиқ этилмоқда, суд ҳокимиятининг фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ролини оширмоқдамиз¹” деб таъкидлаганлар.

Ўтган йиллар давомида республикамізда жинойтчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида, тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, “Ички ишлар органлари тўғрисида”, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”, “Тезкор-қидирув фаолияти

¹Қаранг: *Мирзиёв Ш.М* Янги Ўзбекистон–Таррақиёт стратегияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2022. – 42 б.

тўғрисида”ги қонунлар қабул қилиниши билан ички ишлар органларида тезкор-қидирув фаолиятининг асосий йўналиш ва вазифалари белгилаб олинган. Ушбу қонунларга кўра, тезкор-қидирув фаолиятининг йўналишларидан бири қидирув фаолияти бўлиб, уни амалга оширувчи орган сифатида ички ишлар органлари белгиланган, тергов ва суддан яширинган шахсларни аниқлаш ва ушлаш, бедарак йўқолган шахсларни қидириб топиш ҳамда таниб олинмаган мурдаларнинг шахсини аниқлаш ички ишлар органларининг бу соҳадаги асосий вазифалари эканлиги кўрсатилган.

Давлатимиз раҳбарининг “Инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ” деган эзгу ғоялари асосида фуқароларнинг тинчлиги ва фаровон ҳаёт кечирishiни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш борасида устувор вазифаларни белгилаб бермоқда.

“2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги киёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш, яъни ички ишлар органларини халқнинг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш ҳамда аҳоли билан мақсадли ишлашга жалб этиш. Хусусан, тезкор-қидирув ва тергов фаолияти устидан назоратни кучайтириш, фуқароларнинг кадр-қиммати ва эркинлигини самарали ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш, жиноятлар ҳақида хабарларни ҳисобга олиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жиноятларни яшириш ҳолатларининг олдини олишда замонавий усуллардан фойдаланиш”² вазифалари белгиланди.

Мазкур вазифалар асосида “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони³ асосида Ички ишлар вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш орқали турдош соҳавий хизматлар фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида, Жиноят қидирув бош бошқармаси, Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси, Тезкор-қидирув ҳамкорлиги бошқармасини ўз ичига оладиган Тезкор-қидирув департаменти ташкил этилиши белгиланди.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022—2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2022 й., 4-сон, 26-модда.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2021 й., 12-сон, 123-модда.

Ҳозирги кунда ички ишлар органлари тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижасида жиноятчиликка қарши кураш ва жиноятларни барвақт олдини олиш, уларни иссиқ изидан фош этиш ҳамда жиноят содир этиб қидирувда бўлган шахсларни қўлга олиш, бедарак йўқолган шахсларни қидириб топиш, ноаниқ мурдаларни шахсини аниқлаш борасида олиб борилаётган ишлар янада яхшиланди, фаолиятни самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб олинди. Бу чора-тадбирларнинг барчаси қонун устуворлигини таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунга кўра, тезкор-қидирув фаолиятининг асосий вазифаларидан бири “Суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлаётган шахсларни, бедарак йўқолган шахслар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларни қидиришни амалга ошириш, шунингдек таниб олинмаган мурдаларнинг шахсини аниқлаш” ҳисобланади. Тезкор-қидирув фаолиятининг мазкур вазифаларини комплекс амалга оширилиши қидирилаётган шахслар яширинган жойни аниқлаш ва уларни ушлашни таъминлаш бўйича бир қатор ташкилий, процессуал, тезкор-қидирув ва бошқа тадбирлар мажмуини ташкил қилади.

Бундай тоифадаги шахсларга қаерда эканлиги номаълум бўлган ва уларнинг қидируви юзасидан қарор чиқарилган гумон қилинувчилар, айбланувчилар ва судланувчилар тушунилади. Жиноий жазодан бўйин товлаётган шахслар қаторига жазони ижро этиш муассасаларидан қочган маҳкумлар, шунингдек жазони ўташдан бўйин товлаганлиги боис қидирув ҳақида қарор чиқарилган маҳкумлар киради.

Бедарак йўқолган шахслар деганда, бирор аниқ сабабсиз қўққисдан йўқолиб қолган, қаерда эканлиги атрофдагиларга маълум бўлмаган шахслар, жумладан, уйдан, мактаб-интернатдан, меҳрибонлик уйларидан кетиб қолган, махсус таълим муассасаларидан қочиб кетган вояга етмаганлар, уйдан ёки тиббий муассасалардан чиқиб кетган руҳий касаллар тушунилади. Яқин қариндошлари билан алоқаси йўқотилган шахслар ҳам қидирув объектларига киритилиши мумкин.

Шунингдек, қонунчиликда кўзда тутилган бошқа тоифадаги шахсларга Мудофаа вазирлиги, ДХХ, ИИВга қарашли ҳарбий қисмлардан қочган ҳарбий хизматчилар, етказилган зарарни қоплаш ишлари бўйича қарздор (жавобгарлар), алимент тўлашдан бўйин товловчилар, фуқаролардан давлат фойдасига маблағ ундириш бўйича қарздорлар ҳам қидирилиши лозим бўлганлар тааллуқли. Шу билан бирга, бу каби вазифалар қаторига таниб олинмаган мурдалар бўйича фуқароларнинг шахсини аниқлаш ҳам киради.

Мазкур вазифаларни бажариш ички ишлар органлари махсус қидирув бўлинмалари томонидан амалга оширилади.⁴

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жойлардаги ички ишлар органлари томонидан амалга оширилаётган ишларнинг барчаси фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг манфаатларига хизмат қилишга қаратилган.

Олиб борилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида ички ишлар органларининг қидирув фаолиятида бир қатор ижобий кўрсаткичларга эришилди. Хусусан, Наманган вилояти мисолида оладиган бўлсак, 2024 йилнинг 9 оyi давомида жами 974 нафар (2023 йилда 903 нафар) жиноятчилар қидирилган бўлиб, олиб борилган тезкор-қидирув ишлари натижасида 410 нафар (2023 йилда 320 нафар) қидирувдаги шахслар ушланган, ҳозирда 553 нафар (2023 йилда 577 нафар) қидирувдаги жиноятчилар ушланмай қолмоқда.

Қидирувдаги бўлган жиноятчилар сони 2024 йил 9 оyi давомида ўтган йилни шу даврига нисбатан 577 тадан 553 нафарга яъни 24 нафарга камайган, шунингдек ушланмай қолган жиноятчилар қолдиғи йил бошига нисбатан 37 тага камайган бўлиб, уларни қўлга олиш 320 нафардан 410 нафарга яъни 90 нафарга яхшиланган⁵.

Қайд этиш жоизки, ҳар бир содир этилган жиноятнинг заминида ижтимоий омиллар ётади, яъни бирор-бир шахснинг мол-мулки, ҳаёти ва соғлиғи ҳамда кадр-қимматига тажовуз қилиниши ва бошқалар. Шундай экан жиноят содир этиб, унинг жавобгарлигидан қочиш ва чин кўнгилдан пушаймон бўлмасдан яширинган шахснинг қайта жиноят содир этишга мойиллиги эҳтимоли катта бўлиши бу табиий ҳол ҳисобланади. Масалан, Наманган шаҳрида яшовчи, 1979 йилда туғилган, Абдувоҳид Т. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этиб, терговдан яшириниб юрганлиги сабабли Наманган шаҳар ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими томонидан қидирув эълон қилинган. Мазкур қидирув асосида Наманган вилояти ИИБ ва Наманган шаҳар ИИБ ЖКБ тезкор вакиллари томонидан Тошкент шаҳар Юнусобод туманида ўтказилган тезкор-қидирув тадбири давомида ушбу шахс қўлга олинган ва ИИБ олиб келинган⁶.

Юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики, қидирувда юрган шахс ҳудуд ва макон танламаслиги, у қаерда бўлмасин биринчи навбатда яшириниши учун ўзига қулай жой (манзил)ни танлайди ва яширинади. Шунинг учун ҳам ҳар бир

⁴ В.Каримов. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига илмий-амалий шарҳ. Тошкент – 2021, Б. 42.

⁵ Наманган вилояти ИИБ ТҚХ ЖКБ Қидирув ишларини таҳлил этиш бўлими маълумоти.

⁶ Наманган вилояти ИИБ ТҚХ ЖКБ Қидирув ишларини таҳлил этиш бўлими маълумоти

қидирувга эълон қилинган шахсни қидириб топиш ва қўлга олишга қаратилган чора-тадбирларга мукамал тайёргарлик ва чуқур билим ҳамда маҳорат талаб этади.

Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш – амалга оширилаётган барча ислохотлар самарадорлигига эришиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, мамлакатда тинчлик, тотувлик ва барқарор вазиятни таъминлашнинг асосий кафолатидир.

Лекин, жиноят содир этиб ўз қилмишага пушаймон бўлмасдан суд ва тергов органлари ҳамда бошқа ҳуқуқ тартибот идораларидан яшириниб қидирувда бўлган жиноятчиларни қидириб топиш ва уларга жазо муқаррар эканлигини англатиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш йўналишида самарали ишлар амалга оширилишига қарамасдан, бир қатор камчиликлар ҳам кўзга ташланмоқда.

Жиноят содир этиб тергов ва суд органларидан яширинган шахслар орасида қидирув эълон қилинаётганларнинг таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, *(вилоят бўйича жами эълон қилинган қидирувнинг 17,9 фоизи,)* фирибгарлик жиноятида айбланаётганларни ташкил этмоқда.

Шунингдек, тергов ҳаракатлари ва суд жараёнларига қатнашаётган шахслар етарлича назорат қилинмаслиги, улар билан тезкор-профилактик ишлар олиб борилмаслиги оқибатида тергов ва суд идоралари томонидан шахсларга нисбатан қидирув эълон қилиш ҳолатлари кўпаймоқда. Жумладан,

2024 йил 9 ойи давомида қидирув эълон қилинган 384 нафар жиноятчилардан:

- 198 нафари ИИБ Терговчиларининг қарорига асосан,
- 60 нафари прокуратура терговчилари қарорига асосан,
- 12 нафари ДХХ терговчиларининг қарорига асосан,
- 114 нафари Судлар ажримга асосан қидирув эълон қилинган⁷.

Фикримча, қидирув йўналишида фаолият олиб бораётган ходимларни билим савиясини ошириш, касбга бўлган муносабатларини ўзгартириш лозимлиги сезилмоқда, жойларда ушбу йўналишдаги ходимлар функционал вазифалари билан шуғулланишлиги, назарий ва амалий билимларини **мужассамлаштиришлари** учун устоз-шогирт аъналарига юзаки муносабатда бўлмаслиги, раҳбарларнинг соҳада ишларни жадаллаштириш масаласида масъулиятларини ошириш мақсадга мувофиқ бўлиши долзарб вазифа ҳисобланади.

⁷ Наманган вилояти ИИБ ТҚХ ЖКБ Қидирув ишларини таҳлил этиш бўлими маълумоти.

Хулоса қилиб айтганда, қидирувда бўлган жиноятчиларни ва бедарак йўқолган шахсларни қидириб топиш ҳамда шахси ноаниқ мурдаларни шахсини аниқлаш борасида бир қатор камчиликларни бартараф этиш лозимлиги, ушбу йўналишларда ишни жадаллаштириш ва ижобий натижаларга эришиш учун Қонунчилигимиз ҳамда тегишли ҳуқуқ тартибот органларимиз билан бир қатор ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш давр талаби бўлиб қолганлигини тан олишимиз лозим. Ҳаммага маълумки, бир нафар қидирувдаги жиноятчини қўлга олинishi, бу жиноятчилик ҳисоботларидаги кўрсаткичларга ўз таъсирини кўрсатади, шунинг учун қидирув эълон қилинишини олдини олиш мақсадида, соҳада фаолият олиб бораётган ҳар бир ходимга функционал вазифа қилиб юклаш даркор ҳамда раҳбарлар томонидан кунлик талабларни кучайтиришни лозим бўлади. Шахсни қидирувга эълон қилинишининг олдини олишга яна бир **асосий омиллардан бири**, бу бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликни кучайтириш ва ушбу йўналишда ишларни жадаллаштириш, шунингдек, ушбу вазифаларни амалга оширишда жамоатчилик билан ҳамкорликни кучайтириш лозимлиги, жойларда ушбу йўналишлар бўйича фуқароларимизнинг ҳуқуқий онгини ошириш, жиноят содир этилишини олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали олиб бориш катта ижобий натижаларга олиб келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Қаранг: *Мирзиёв Ш.М* Янги Ўзбекистон–Таррақиёт стратегияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2022. – 42 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022—2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2022 й., 4-сон, 26-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2021 й., 12-сон, 123-модда.
4. В.Каримов. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига илмий-амалий шарҳ. Тошкент – 2021, Б. 42.
5. Наманган вилояти ИИБ ТҚХ ЖКБ Қидирув ишларини таҳлил этиш бўлими маълумоти.
6. Наманган вилояти ИИБ ТҚХ ЖКБ Қидирув ишларини таҳлил этиш бўлими маълумоти.